

Кейинги йилларда миллий адбиётимиз бадиий-эстетик жихатдан бирмунча тараккиёт боскичига кўтарилди. Бу, албатда, истиклол туфайли жамиятимизнинг миллий тафаккури ривожланиши билан бевосита боғлиқ ходисадир. Жамиятнинг ижтимоий-маънавий тараккиёти кўп жихатдан ундаги зиёлilarнинг жамиятда тутган макоми ва ўша жамият аъзоларининг унга бўлган муносабати билан белгиланади. XX аср миллий тарихимизга назар солинса, унда зиёлilarнинг тутган ўрни ҳам, уларга муносабат ҳам муттасил ўзгаришда бўлганини кўриш мумкин. Табиийки, бу нарса ижтимоий ҳаёт ойнаси бўлмиш бадиий адабиётда ўз аксини топади. Агар жадид адиблари зиёли образини марказга кўйиб, унинг нигоҳи-ла мавжуд ижтимоий ҳаётни таҳлил қилишга интиланган бўлсалар, шўро даврида зиёли образи узок вақт “мехнат кишиси” соясида қолиб келди. Жадид адабиётидаги зиёли ижтимоий ҳаётни танқидий назар-ла қўзатиб, ундаги иллатлар сабаби ва улардан қутулиб тараккий қилиш имкониятлари ҳақида ўйлаётган – изланаётган инсон эди. Шўро адабиёти эса зиёлини орқа планга сурдигина эмас, балки уни энг муҳим атрибут – ўйлашдан маҳрум этди. Зеро, эркинликдан мосуво бўлган тайёр гоёвий қолиплар доирасига тортилган ўйлов – ўйлашнинг суррогати, холос.

70-80-йилларда эълон қилинган насрий асарларнинг аксариятида характерлар ўзгариши, қахрамонлардаги кескин маънавий-рухий янгилишнинг гувоҳи бўламиз. Бу ҳолат, аввало, 60-70-йиллар насридаги зиёли образлари билан 70-йиллар охири 80-йиллар насридаги зиёли образларининг қиёсий таҳлилида аниқ кўзга ташланади. Бу икки давр насридаги зиёли қахрамонларнинг қиёсий таҳлили икки адабий авлод бадиий-эстетик тамойилларидаги фарқларни аниқлаш имконини беради.

Маълумки, 60-70-йиллар жамиятда социалистик гоёларга ишонч “қайта тирилтирилган” давр бўлди. Яъни, жамият ҳаётидаги барча муаммоларни шахсга сизгиниш оқибатларига йўйилиб, энди кўпчиликда “партия ҳукуматимиз сизсати тўғри йўлга тушди, яқин келажакда коммунистик жамият қурилади” деган ишонч тўғдирилган эди. 60-70-йилларда ижод қилган Одил Ёқубов, Пиримқул Қодиров, Ўлмас Умарбеков, Ўткир Хошимов, Шўқур Холмирзаев қаби асар носирларимиз адабиётга 50-йилларнинг охириларида қириб қелгани эътиборга олинса, уларнинг ижтимоий қарашлари асосини ана шу ишонч ташқил этади. Шу боис бу авлод яратган асарларнинг қахрамонлари – қурашқан қишилар, уларнинг талқинида ташқи ҳатти-ҳаракат етакчи. Зеро, бу қахрамонлар (муаллифлари қаби) ўша гоё, ўша мақсад билан яшайди, қурашади. Бу даврдаги асарларда ўша мақсад учун яшаётган ва унга етишга ҳалал бераётганлар орасидаги қураш этади. Асарлардаги зиёли қахрамонлар эса ёзувчиларнинг мақсадига қўра, “мавжуд фаровон ҳаёт ва ундаги иллатлар ҳақида” фикрлайдиларки, бу иллатлар жамият интилаётган “ердаги жаннат” – коммунизмга етишга тўсқинлик қилаётир. Бу иллатлар илдизини қишилардаги маънавий-ахлоқий етишмовчилик ёки “адолат мезони”га амал қилмасликда деб тушунадилар. Бундай талқин ўз даврида бадиий адабиётдаги асосий проблемалар сифатида баҳоланди, реалистик адабиёт намуналари дея эътироф қилинди. Шунингдек, “оқ олтинни олтин қўллар яратади” деган рағбатомуз гаплардан илҳомланиб, адабиётда ҳам “олтин қўлли” мехнат қишисининг образлари қаторасига яратила бошланди. Бу хил асарлар сирасига “Синчалақ”, “Мерос”, “Эрк”, “Қанот жуфт бўлади”, “Биллур қандиллар”, “Қамир Усмоновнинг икки баҳори”, “Ёз

ёмгири”, “Афросиёб гўзали” каби ўнлаб асарларни киритиш мумкин. “Адабиётнинг кучи, аввало, хакикатни айтишдадир. Социалистик жамиятнинг манфаати, табиати унинг фаол курашчиси бўлган ёзувчидан факат ростгўйликни талаб этади. Канчалик шафкатсиз бўлмасин, бор гапни айтиш бизда нормал ходиса тусини олиши лозим. Шоир Э. Воҳидов сўзлари билан айтганда, агар ёзувчи, шоир ўз виждон сўзини, ҳақ гапни айтолмаса, фожиа юз беради: “замонлар бўлганки, унда рост сўзни айтиш жасорат хисобланган, – дейди шоир. – Биз эса шунадай жамиятда яшаётирмизки, давлат, мамлакат манфаатлари билан халқ манфаатлари ўртасида зиддият йўқ. Бутун жамият ва шу жамиятнинг интилишлари орзу-максадларининг ифодачиси бўлмиш ёзувчиларнинг нияти битта: халққа хизмат. Бинобарин, шундай бир даврда рост гапни айтиш жасорат саналиши жўяли ходиса эмас...” (1) Чунончи, айтиш мана шу даврда кечаётган ижтимоий ўзгаришлар моҳиятини тубдан англаш ва унинг охири-окибатлари ҳақида мантикий ҳулосалар чиқариш зиёлилар олдидаги энг асосий муаммолардан бири эди. Халқ миллат тақдири учун қайғуриш унинг истикболини кўриш учун интилишларни “ошкоралик даври”да ошкора ифодалашга тўла имкон бор эди, деб бўлмади.

70-йиллар охири 80-йиллар боши адабиётида эса бу жараён ўзгача талқинини топди. Бу даврда яратилган асарларда зиёли образининг янги типи майдонга келди. Мазкур янги типлар, албатта, уларнинг яратувчиси бўлган ижодкорларнинг ижтимоий-эстетик карашлари, ҳаёт қонунларини теран мушоҳада этишлари билан боғлиқ эди. “Агар ёзувчилик турмушдан нусха кўчиришдан иборат бўлса, бундан осон иш бўлмас эди. Ҳаётдан айнан кўчириш китобдан кўчиришдай гап. Копия копия бўлиб қолаверади. Бундай нарсалардан оригиналлик кутиш беҳуда. Оригиналлик ҳаёт ҳақиқатини дилдан ўтказиш, унга кўнгилдаги гапларни сингдириш, тилагингни кўшиб ифодалаш билан юзага келади.” (2) Шундай экан, ҳаётдаги ижтимоий типлар, шубҳасиз, бадиий адабиётда ҳам ўз аксини топади.

Адабиётимизга кириб келган бу янги авлод ўзгача бир шароитда шаклланган эди. Бу даврга келиб, партиянинг 60-йиллардаги даъволари чўпчак эканлиги аён бўлиб қолганди. Бу авлод ўзидан олдинги авлоддан фарқ қиларок, ана шу максадга, гоёга энди ишонмас эди. Ижтимоий-сиёсий, бадиий-эстетик карашлари билан кишилар онгида маълум ўзгаришларни ҳаракатлантира олган М.М.Дўст, Т.Мурод, Х.Султонов, Эркин Аъзам, Аҳмад Аъзам, Н.Отахонов каби ёзувчиларимиз асарларида олдинги давр асарларидан фарқли ўларок, янги типдаги зиёли образлари яратилдики, бу бевосита ижтимоий воқеликдаги ўзгаришлар, ҳукмрон мафкура талабларини ҳар томонлама чуқурроқ мушоҳада қилиш, кишилар онгидаги эврилишларни теран англаб етиш натижасида юзага келди. Энди бу қаҳрамонлар белгиланган максад сари огишмай кетаверадиган, гоё учун жонини жабборга бериб курашадиган эмас. Бу давр асарларида яратилган зиёлилар олдингиларга нисбатан бошқачарок ҳаракат қиладилар. Улар ҳаёт қамчиликларини манавий-ахлоқий принциплардаги қамчиликлардагина деб билмайдилар, балки ижтимоий воқеликнинг қандайлиги ва ўша воқеликда ҳаракат қиляётган ўзи ҳақида, ўзининг қимлиги, ички максади, ташқи ҳаракат-қийфаси, ижтимоий онгидаги тебранишлар, эврилишлар ҳақида ўйлай бошлайдилар. Бошқача айтсак, бу даврга келиб жаҳид адабиётида бошлаб берилган анъана – жамиятнинг мавжуд ҳолати, унинг қай томон бораётгани ҳақида теран ўй-мушоҳада юритаётган зиёли образларини яратиш давом эттирилди. Айтиш пайтда, бу анъана янги ижтимоий-тарихий шароитда давом эттирилгани учун ҳам янги мазмуний йўналишга эга бўлди. Бу давр зиёлиси энди жамият ҳақидагина эмас, жамиятдаги ўзи ҳақида ҳам

ўйлайди.

Аслида, 70-йиллар охиригача яратилган асарлардаги зиёлиларда аниқ, англашилган ва ишонилган мақсад, ягона гоё мавжуд эди. Мана шу гоё учун курашиб яшаш бош вазифа ҳисобланарди. 70-йиллар охири 80-йиллар зиёлиларида мана шу гоёга ишончсизлик тугилди, унинг охир-оқибати ҳақида ҳар томонлама фикрлаш, ўйлаш зарурати юзага келди. Мана шу ишончсизлик, мақсадсизлик натижасида адабиётимизда “кичкина одам”, “ортикча одам”, “мақсадсиз одам”, “мослашаётган одам”, “исёнкор (ўзлигининг таназзули билан боғлиқ) одам” типидagi характерлар намоён бўлди. Бу эса адабиётимизда реалистик тенденцияларнинг кучаяётгани, аниқроғи, реалистик адабиёт тўғри йўлга тушаётганидан далолат эди. Чунки ҳаётни мафкуравий қолиплар асосида тасвирлаган “социалистик реализм” адабиётини чин маънода реалистик адабиёт ҳисоблаб бўлмайди. Айтмоқчимизки, 70-йиллар охири 80-йиллар адабиётида ёш авлод “социалистик реализм” принципларидан ростмона чекиниб, ҳаётни ҳаққоний бадиий тадқиқ этиш йўлидан боришга интилди.

Маълумки, XIX аср рус адабиётшунослиги илмида “ортикча одам”(лишний человек), “кичкина одам”(маленький человек) каби ибораларни учратамиз. Бу ҳолатлар бежиз эмас эди, албатта. Чунки бу даврда рус адабиётида реализм тўла шаклланган ва ёзувчилар ҳам ижтимоий ҳаётни танқидий реализм нуқтаи назаридан тасвирлаган эдилар. Адабиёт билан чинакам ҳаёт яқинлашиши натижасида ижтимоий ҳаётдаги типлар бевосита бадиий адабиётда ўз аксини топган бўлиб, А.С.Пушкин, М.Ю.Лермонтов, В.Гоголь сингари етук истеъдод соҳиблари яратган қахрамонлар ана шу давр кишилари киёфасини ўзларида мужассам этган эдилар.

Ўзбек адабиётида эса реализмнинг бошланиши XX асрнинг бошларига тўғри келди. Чунончи, аср бошларида реалист саналган А.Кодирий, А.Фитрат, А.С. Чўлпон каби адиблар яратган асарлар моҳиятан маърифатпарварлик йўналишини ташкил этди. Улардан кейинги авлод вакиллари (А.Қаххор, Г.Гулом, Ойбек, О.Ёқубов, П.Кодиров ва бошқалар) нинг асарларида шўровий мафкура учун хизмат қилувчи, ҳали реал ҳаётда мавжуд бўлмаган, “идеалдаги” кишилар характери ифодаланган. Бу давр ўзбек адабиётида, очик айтганда, реал ҳаёт картиналарини кўра олмаймиз, ижтимоий воқеалиқда “умргузаронлик қилаётган” кишилар билан, уларнинг орзу-мақсадлари билан таниша олмаймиз. Аксинча, ишониш қийин бўлган воқеа-ҳодисалар тафсилотининг бўрттирилган, сайқалланган, “андозага солинган” ҳолатига гувоҳ бўламиз. Шу билан бирга, асримизнинг 70-йилларигача ҳукм сурган, чинакам адабиёт учун хос бўлмаган шиору даъватлар, фармону қонунлар кўплаб ёзувчиларни “бир чизикдан чикмай” юришга мажбур этган, балки ўргатган эди.

Танқидий реализмга хос хусусиятлар ўзбек адабиётида 70-80-йиллардагина кўрина бошлади. Энди адабиёт реал ҳаёт билан яқинлашиб, чинакам инсон руҳиятини таҳлил қилиб, инсон идеалини англай ва уни ифодалай бошлади. Бу давр ёзувчилари энди орзу қилинган нарсаларни ёки кишиларни эмас, кўз билан кўриб, ҳис этиб турган, ўзи билан бирга ҳаракатланаётган кўз олдидagi кишилар ва ижтимоий воқеалиқни тасвирлай бошладилар. Худди шу ўринда рус адабиётшуноси В.Г.Белинскийнинг В.Гоголь ҳақидаги фикрларини келтириб ўтиш жоиз: “Жаноб Гоголь повестларидаги ҳаётнинг муқаммал ҳаққонийлиги бадиий тўқиманинг оддийлиги билан узвий боғланган. У ҳаётга ҳушода қилмайди, аммо унга тухмат ҳам қилмайди; у ҳаётда нимаики гўзал, инсоний бўлса, ҳаммасини юзага чиқариб кўрсатаётганига қувонади ва айни вақтда ундаги ҳунуқликларни ҳам заррача яширмайди. У ҳолда ҳам, бу ҳолда ҳам шоир ҳаёт ҳақиқатига

нихоятда содик қолади. У хаётнинг чинакам портретини – суратини тасвирлайди, бу суратда ҳамма нарса хайратланарли даражада хаётдагига ўхшаш, унда асл нусхадаги экспрессия – гаройиблик билан бирга ундаги бўжамаларгача аниқ кўринади”. (3) Масалан, биргина М.Ю.Лермонтовнинг 1840 йилда ёзилган “Замонамиз кахрамони” асарига Печорин характери ўз даври ижтимоий мухитига сигмаган, мавжуд тузум талабларидан коникмаган, бирик , норасо жамиятда ўз ўрнини топа олмаган “ортикча одам” (“лишний человек”) киёфасини тўла-тўқис очиб беради. Печорин ўша ижтимоий жамият конунлари ярксиз, нокобил эканлигидан, хакикатни гапиргани билан атрофдагилар ишонмаганидан рухан изтироб чекади, нима учун яшагани-ю, нима максатда дунёга келганини ўйлайди, ўзининг “ортикча” эканлигини хис этади: “ Зачем я жил? Для какой цели я родился ?” (4) Бу эса Печориннинг ўзига ўзи берган хаққоний жавоби эди. Лермонтов 1830-40-йиллардаги “ортикча одамлар” фожиасини Печорин тимсолида умумлашма образ сифатида ярата олди ва бу образ йиллар давомида адабиётдаги бахсу мунозараларга туртки бўлди. Бу билан ёзувчи реалистик адабиётда инсон рухий оламини яратишнинг янгича йўлини бошлаб берди.

Теранрок ўйлаб караганда, салкам бир ярим аср илгари рус адабиётида кузатилган бу холатлар ўзбек адабиётида XX асрнинг 80-йилларига келиб юзага чиқиши турли сабабларга кўра адабиётимизнинг ривожланиш жараёни анча ортда эканлигини кўрсатади. Лекин шунга карамай, 70-йиллар охири 80-йилларда яратилган “Истеъфо”, “Галатепага кайтиш ёхуд саодатманд Гайбаров кассаси”, “Кўнгул озодадур”, “Ёзнинг ёлғиз ёдгори”, “Жавоб”, “Отойининг тугилган йили”, “Аскартоғ томонларда”, “Бу куннинг давоми”, “Ўзим билан ўзим” каби ўнлаб асарларни миллий адабиётимизнинг ютуғи деб хисоблаш мумкин. Бу давр насридаги зиёлилар рухиятида кузатиладиган холатлар, шубхасиз, 60-70-йиллар насридаги зиёли образлари билан киёсий тахлил этилишни талаб этади.

Масалан, “Жавоб”даги “кичкина одам” – Нуриддин Элчиев, “Отойининг тугилган йили”даги мухитга кўника олмайган шарттаки Аскар Шодибеков, “Аскартоғ томонларда” кассасидаги “максатсиз умргузаронлик килаётган” доцент Махди Ашрапов, “Бу куннинг давоми”даги ижтимоий хаётдан норози, ўзининг кимлигини англаб бораётган аспирант – У (исми берилмаган), “Кўнгул озодадур” кассасидаги ортикчалигини сезаётган “исёнкор одам” – Гулом каби янгича типдаги характерларнинг яратилиши бу икки адабий авлод бадий-эстетик карашларида ҳам, характер яратишдаги махорат, имконият ва изланиш масаласида ҳам сезиларли фарк мавжуд эканлигини очик-ойдин кўрсатади. Икки адабий авлод адабий-эстетик карашларидаги фарқларни ўрганиш миллий бадий тафаккуримиз ривождаги ўзгариш, ўсишни очиб бериш имконини яратади. Колаверса, адабиётшуросликнинг бош вазибаларидан бири ҳам мана шундай ўзгаришларни кузатиш, аниқлаш ва уни назарий-амалий жихатдан асослашдир.

1. Умарали Норматов. Давр туйғуси. “Шарк юлдузи” журнали, 1986, 11-сон, 179-б.
2. А. Каххор. Асарлар. Олти томлик. VI том. Гафур Гулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, Тошкент, 1971, 323 – 324-бет.
3. В.Г.Белинский. Адабий орзулар. Адабий-танкидий мақолалар. Гафур Гулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, Тошкент, 1997, 246-247-б.
4. Григорян К.Н. “Лермонтов и его роман “Герой нашего времени”, “Наука”, Ленинград, 1975.

Бегали Мўминов, АДУ аспиранти